

**Ўзбекистон республикаси Олий ва Ўрта Махсус
Таълим Вазирлиги
Тошкент Тўқимачилик ва Енгил Саноат Институтини**



**Мавзу: Миллий матодан
аёллар кўйлагини тикишда ресурс
тежамкор технологияни ишлаб
чиқиш**

**Магистр: М10-09 гуруҳ
Сувонова М.Ю.**

Toshkent-2011

Мавзунинг долзарблиги: Кийим ташқи кўриниши чиройли, шакли бўйича эса турли фасонли бўлиши керак. Шу билан бирга янги структурадаги ва янги нақшли миллий матоларга бўлган талаб ошиб бормоқда. Тўқимачилик саноати йилдан йилга юқори сифатли матолар ишлаб чиқишни йўлга қўймоқда. Уларнинг орасида миллий матолар муҳим ўринга эгадир. Улардан турли кийим ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Миллий матолардан юқори сифатли тикув буюмларини ишлаб чиқаришда ресурстежамкор технологияни билиш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ресурстежамкор технологияни ишлаб чиқиш ҳамда маҳсулотни рақобатбардошлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш мақсадида илмий тадқиқотлар ўтказиш долзарб масаладир.



Ишнинг мақсади ва вазифаси: Миллий матодан аёллар кўйлагини тикишда ресурстежамкор технологияни ишлаб чиқиш. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш зарур:


- адабиётлар таҳлили;
- хон атлас матосидан аёллар кўйлаги модель конструкциясини ишлаб чиқиш;
- газлама энини ҳисобга олган ҳолда андазалар жойлашмасини бажариш;
- газлама энини ҳисобга олган ҳолда андазалараро чиқиндилар фоизини аниқлаш.

Миллий матолар ретроспектив таҳлили

Қадимдан Ўзбекистонда чиройи бўйича беқиёс бўлган юқори сифатли матолардан пахта толали, ярим илақ толали ва жун толали матолар ишлаб чиқарилган. Бу матолар илк ўрта асрлардан бошлаб бутун шарқда, Хитойдан қадим Мовароуннаҳр, Буюк Ипак йўли ўтган барча мамлакатларга савдогарлар томонидан олиб борилган ва шуҳрат қозонган.

Бухоро ва Самаркандда ишлаб чиқилган матоларининг шуҳрати ҳақида X аср тарихчилари – Наршахий, Максудий ва бошқа муаррихларнинг маълумотига кўра маҳаллий матоларимиз Боғдод, Хуросон, Сурия, Византия, Миср мамлакатларида харидоргир бўлган. Мато ишлаб чиқариш хунармандчиликка асосланган халқ ҳаёти, унинг тарихий тақдири билан боғлиқ бўлган. Пахта ипидан тўқилган матолар ва бу матолардан ички, ҳамда енгил кийимлар тикишда кенг қўлланилганини биламиз. Аммо мураккаб техникаси билан фарқланувчи қиммат матоларнинг кўпгина турлари бугунги кунгача етиб келмаган. Лекин асрлар давомида яратилган мато санъати анъаналарни сақлаб қолиш ва савдо ривожланган сари уларни ишлаб чиқариш қайта тикланди.

ЗАМОНАВИЙ МОДА ЙЎНАЛИШИ



Замонавий кийим мураккаб тизимдир, у йилдан-йилга ўсиб ривожланиб бормокда. Ҳозирги даврда янги услубларнинг кўплаб ва тез суръатларда дунё юзини кўриши нафақат мода тенденцияларини кузатиш, балки баҳолашга ҳам имкон бўлмай қоляпти.


Миллий матоларнинг накшини, унинг улчамларини, энининг турли хиллигини эътиборга олиб кийим лойихалаш муҳим аҳамиятга эга. Хон-атласдан аёллар миллий куйлагини яратиш матодаги накшларнинг тулик сакланишига олиб келади.



1- модел тавсифи

**Хон атлас матосидан
тикилган тўғри силуэтли
аёллар миллий кўйлаги.**


**Олд ва орт бўлак
юмалоқ кокеткали бўлиб,
шал ёқали. Олд ва орт
пастки бўлаги яхлит
бичимли. Енги калта, битта
чокли, ўтқазма. Кокетка
бурмали асосга бир
текисда қилиб
бириктирилган. Кўйлак
узунлиги тиззадан келади.
Тавсия этиладиган размер
ва ростлар 96/164, 96/158 .**



2 - модел тавсифи

**Хон атлас матосидан
тикилган тўғри силуэтли
аёллар миллий кўйлағи.**

**Олд ва орт бўлак
юмалоқ кокеткали бўлиб,
ёқаси олд бўлак
кокеткаси билан бирга
яхлит бичилган. Олд ва
орт пастки бўлағи яхлит
бичимли. Енги калта, битта
чокли ўтқазма. Кокетка
бурмали асосга бир
текисда қилиб
бириктирилган. Кўйлак
узунлиги тиззадан келади.
Тавсия этиладиган размер
ва ростлар 96/164, 96/158 .**



3- модел тавсифи

**Хон атлас матосидан
тикилган тўғри силуэтли
аёллар миллий кўйлаги.**

**Олд ва орт бўлак
юмалоқ кокеткали бўлиб,
ёқаси шал ёқадир. Олд ва
орт пастки бўлаги яхлит
бичимлидир. Енги калта,
битта чокли, ўтқазма.
Кокетка бурмали асосга
бир текисда қилиб
бириктирилган. Кўйлак
узунлиги тиззадан келади.
Тавсия этиладиган размер
ва ростлар 96/164, 96/158**

Деталлар спецификацияси

01 - 0л0 кокетка

02 - 0л0 дўлак



03 - 0рт кокетка



04 - 0рт дўлак

05 - Ёқа


06 - Ёнг









Жойлашмалардаги андазаларо чиқиндилар фоизи, %






Нақшли жойлашмалардаги андазаларо чиқиндилар диаграммаси



Сидирга газламаларда андазаларо чиқиндилар диаграммаси





УМУМИЙ ХУЛОСА



- 1. Хон-атлас матоси жойлашмасини бажаришда андазалар техник шартларига риоя қилган ҳолда андазалараро чиқиндиларни минимал ўлчамини таъминлайдиган рационал жойлаштириш йўллари тахлил қилинди.**
- 2. Хон-атлас матосининг хусусиятларидан келиб чиқиб аёллар миллий кўйлак модели танланди, асос конструкцияси СЭВ методикаси бўйича кўрилди ва моделлаштирилди.**
- 3. Андазалар жойлашмасига таъсир қилувчи омиллар тадқиқ қилинди ва хон-атласдан аёллар кўйлагини тайёрлашда газлама нақши ва ўлчами, ҳамда газлама эни андазалар орасидаги чиқиндилар кўрсаткичига таъсир қилиши аниқланди.**
- 4. Биз томондан 45 см, 65 см ва 80 см энли хон атлас матосидан аёллар миллий кўйлаги учун экспериментал тадқиқотлар ўтказилди. Якка ва аралаш жойлашмалар учун материал сарфи меъёри аниқланди. Аралаш жойлашма учун 96/158 ва 96/164 размерлар бирлаштирилди, битта жойлашма учун – 96/164 размерга бажарилди. Эни турли хил хон-атлас газламалардан кийим бичишда андазалараро чиқиндиларнинг кўрсаткичи газлама энига ва нақш турига ва ўлчамига боғлиқлиги ўрганилди.**
- 5. Тадқиқотлар натижасида хон атлас матосидан 50 аралаш жойлашмада 65 см энли материалдан андазалараро чиқиндилар миқдори 24,3 % ни, 45 см энда – 25,5% ни, 80 см энда – 38%, якка жойлашмада 65 см энли материалда – 24,8%, 45 энда – 26,4% ни, 80 см энда – 25,8 % ни ташкил қилиши белгиланди. Бу тадқиқотлар сидирға газлама учун ҳам бажарилди.**
- 6. Материалларни бўйи бўйича йўқотишлар фоизи аралаш жойлаштиришда ўртача 1,2 % га, якка жойлаштиришда 1,4 %га, эни бўйича мос равишда 0,25 % ва 0,26 % га, рулон материаллардан қоладиган чиқиндилар фоизи 0,7 га тенг деб қабул қилинади.**



**Эътиборингиз учун
рахмат!**